

МАЬНАВИЙ ТАРБИЯ – юксак маъ-ятни тарбиялаш воситаси, муайян шахс, жамоа, муайян гурух, жамият, миллатда жисмоний баркамоллик, руҳий, ахлоқий, маънавий етуклик каби сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий таълим-тарбия жараёнини ифодаловчи т. Инсоннинг жамиятда яшashi учун зарур бўлган маънавий хус-ятларни тарбиялаш унинг энг асосий қадрият сифатидаги моҳиятини таъминлайдиган қад. ва абадий қадриятдир. Юртбошимиз таъкидланганидек, М.т. масаласида ҳушёрлик ва сезгирилик, катъият ва масъулият йўқотилса, бу ўта муҳим иш ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, муқаддас қадриятларга йўғрилган ва улардан озиқланган минглаб йиллик миллий-этник асосларга эга миллат маъяти ва тарихий хотирасидан айрилиб, охир-оқибатда умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолиши мумкин. Ўз-ннинг тараққиёт дастури, узоқ ва давомли мақсадларни белгилашда ҳалқнинг моддий ва маънавий оламини юксалтириш, ёш авлодни аждодлар қолдирган ўлмас меросни чуқур ўрганиш, англаш, қадрлаш билан бирга, умумбашарий қадриятлар, замонавий илм-фан чўққиларини эгаллаш руҳида тарбиялаш масаласи устувор вазифа қилиб олинган. Чунки, эртага катталар ўрнини босадиган ёшлар айнан шундай озиқланган заминда вояга етган тақдирдагина комил инсонлар бўлиб, ҳақиқий таянч ва суюнчга, енгилмас маънавий кучга айланиб, жаҳон майдонларида ҳар қандай беллашув ва синовларга тайёр тураладилар. Инсон ва жамиятнинг мавжудлигини таъминлайдиган қадриятлар М.т. туфайли аждодлардан аста-секин тадрижий равишда авлодларга ўтади. М.т. атамаси кенг маънода инсон шахсини шакллантиришга, унинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий , мад-й, маър-й ҳаётда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган барча маънавий таъсиrlар, тадбирлар, ҳаракатлар, интилишлар йиғиндинини англатади. Бундай тушунишда М.т. фақат оила, мактаб, болалар ва ёшлар ташкилотларида олиб бориладиган тарбиявий ишларни эмас, балки бутун ижтимоий тузум, унинг етакчи ғоялари, адабиёт, санъат, кино, радио, ТВ, ОАВ ва б. фаолиятини ҳам ўз ичига олади. Ш-дек, кенг маънодаги М.т. т.си таркибига бу соҳада таълим ва маълумот олиш ҳам киради. Тор маънода, М.т. муайян шахснинг маънавий ривожи, дунёқараши, ахлоқий қиёфаси, эстетик дидини ўстиришга йўналтирилган педагогик фаолиятни англатади. Бундай М.т. оила ва тарбиявий муассасалар ҳамда жамоат ташкилотлари доирасида амалга оширилади. Ҳар қандай М.т. таълим билан чамбарчас боғлиқ ҳолдагина мавжуд бўлади. Чунки, таълим ва маълумот олиш жараёнида шахснинг билими кўпайибгина қолмай, балки маън-й-ахлоқий сифатларининг қарор топиши ҳам тезлашади. Шу боис ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим-тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ҳамда гарови деб билганлар. Президентимиз таъкидлагани каби, “**Таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни, ҳалқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди.** Шу боис бу соҳада юзаки, расмий ёндашувларга, пухта

ўйланмаган ишларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Мактаб, таълим-тарбия масаласи давлат ва жамият назоратида бўлиши Асосий қонунимизда белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, бу кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг иштироки ва қўллаб-қувватлашини талаб қиласиган умуммиллий масаладир... Бу ҳақда фикр юритганда, мен Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир» деган чуқур маъноли сўзларини эслайман. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари асrimiz бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалиқ, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этади. Истиқлол йилларида мам-тимизда М.т.ни амалга оширадиган ўкув муассасалари ва умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтириш энг муҳим ва жиддий масалага айланди. Шу мақсадда юртимизда Қадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилмоқда, унинг узвий ва мантиқий давоми бўлмиш 2004-2009 йилларда Мактаб таълим мини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури қабул қилинди. Унга мувофиқ, юртимизда мавжуд бўлган ўн мингга яқин умумтаълим мактабининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим жараёнининг мазмунини тубдан такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича катта ишлар қилинмоқда. Мухтасар қилиб айтганда, охирги йилларда таълим-тарбия соҳасида амалга оширган, кўлами ва моҳиятига кўра улкан ишларимиз биз кўзлаган эзгу ниятларимизга эришиш, хеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш, ёшларимиз, бутун халқимизнинг маънавий юксалиши йўлида мустаҳкам замин яратди, десақ, хеч қандай хато бўлмайди. (“Юксак маънавият – енгилмас куч”, 60-64 б.). Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, М.т. ҳар қандай жамият ва мам-т ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунки унинг ўсиши ва тараққиёти учун моддий ва маънавий бойликлар ишлаб чиқариш тўхтовсиз равишда юксалиб бориши лозим. Бунинг учун ёш авлод ушбу бойликларни яратишда ўз аждодларидан юқори даражага кўтарилимоғи даркор. Жамият тараққиётининг турли даврларида М.т. турлича изоҳлаб келинган. Собиқ Иттироқ даврида ҳукмрон мафкура М.т.га синфий ва партиявий ҳодиса сифатида ёндашишни талаб этган, бу жараёнда миллий хус-ятлар деярли ҳисобга олинмаган эди. Ўз-н истиқлолга эришгач, М.т.га боғлиқ жараёнларга янги ҳамда соғлом тафаккурга таянган ҳолда ёндашув қарор топа бошлади. Уни изоҳлашда ғайриилмий синфий-партиявий ёндашувдан воз кечилди. М.т.нинг миллий ва умуминсоний асосларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш масаласи бугунги Ўз-н учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган ишларни изчиллик ва қатъийлик билан давом эттириш мазкур соҳадаги асосий мезонга айланди. Бу борада жамиятни доимий ҳаракатга келтириб турадиган куч – миллий ғоя, миллий манфаатга хизмат қиласиган

қадриятларни, илғор демократик қоида ва т.ларни аниқ-равшан тасаввур этиш, уларни ўрганиш, борини асраб-авайлаш, бойитиш, ривожлантириш, халқни, аввало, ўсиб келаётган ёш авлодни ана шу билим ва қўникмалар билан тарбиялаш – М.т. соҳасидаги энг устувор вазифа ҳисобланади.

Масаланинг бу тарзда қўйилишининг асосий сабаби шундаки, бугунги ёшлар нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио, ТВ, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқдалар. Жаҳон ахборот майдони кенгайиб бораётган шароитда, болалар, ёшлар онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма деб бир томонлама тарбия бериш, улар атрофини ахборот даврида темир девор билан ўраб олиш, замон талабига, жамият мақсад-муддаоларига ҳам тўғри келмайди. Интернетдан олинаётган хабарлар ёшлар маънавий тарбияси, онгига фақат салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деган фикрларга нисбатан «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидлаган қуйидаги хulosага таяниш лозим: **“...содда қилиб айтганда, Интернет бу катта бир дўкон. Дўконга борганда, одам хоҳлаган молини сотиб олади. Масалан, биз бозорга ўзимиз истаган, манфаатимизга хизмат қилувчи буюнни сотиб олгани борамиз.**

Интернетни ҳам кишилар эҳтиёжи ва манфаати учун хизмат қилувчи ахборот бозори деб англаш керак». Демак, ёшларни маънавий жиҳатдан шундай тарбиялаш лозимки, улар Интернет – ахборот бозорига кирганда фақат ўзи, эл-юрти учун зарур, фойдали, маънавий асосларга дахл қилмайдиган нарсани олсин. Ёшларга Интернетдан, ахборотдан фойдаланиш, ахборот истеъмоли мад-тини ўргатишда дунёнинг қайси бурчагидан қандай маълумот келмасин, қандай маънавий тажовуз таҳдид солмасин, ҳар қандай ҳолатда ҳам маън-й-руҳий жиҳатдан огоҳ ва ҳушёр, турли ахборий хуружлардан ўзларини йўқотиб қўймайдиган баркамол шахсларни шакллантириш бу соҳадаги М.т.нинг асосий мезони бўлмоғи лозим. Шу боисдан ҳам ўсиб келаётган авлоднинг М.т.сига жавобгарлик ҳисси билан ёндашиш масаласи доимо оила, маҳалла, мактаб ва таълим муассасалари, умуман, барчанинг диққат-марказида турмоғи лозим. Ёшларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан тўғри тарбиялашда замонавий медицина, педагогика, психология фанлари тавсияларини ҳар бир оиласда жорий қилиш айниқса зарур. Ҳар бир оила, ота-она, энг аввало, бола тимсолида шахсни кўриши, унинг учун шахсга тегишли барча ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаши борасида ўзининг масъул эканлигини доимо ҳис этиб туриши нихоятда муҳим. Истиқлол йилларида камдан-кам мам-тда мавжуд бўлган ноёб идора – маҳалла ҳам миллий-маънавий қадриятларни асраб-авайлашда, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлашда, ёшларнинг М.т.си ва уларни комил инсон этиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Дунёнинг пасту баландини қўрган маҳалла оқсоқоллари, кайвони онахонлар ўзларининг ҳаёт тажрибаси билан ёшларга М.т. ва сабоқ бериб, халқ анъаналари давомийлигини асраб-авайлаб келаётгани ибратлидир. Бунда маҳаллага хос ҳаёт тарзи ва турмуш мад-ти, қўни-қўшни ва маҳалла-кўй ўртасидаги муносабат ларнинг таъсири катта. Хуллас, М.т.нинг қирралари жуда кўп. М.т.да миллий ғоя, миллий ғуурни юксалтиришга хизмат

қиладиган тимсоллар, рамзларнинг ҳар бири – катта бир дарслик, кучли тарбия воситаси ҳисобланади. Бундан ташқари, буюк аждодлар таваллуд саналарини нишонлаш ҳам маънавий ва тарихий аҳамиятга эга. Бундай маросимларни ўтказиш орқали ёшлар янги қадриятлар асосида тарбияланади, улар қалбига тарихни англаш ва қадрлаш, ўтмишга ҳурмат билан ёндашиш, уларни асраб-авайлаш, шу халққа мансублиги билан ғурурланиш туйғулари сингдирилади. Умуман олганда, маънавий жиҳатдан яхши тарбия олган шахс ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан онгли равишда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди. Бундай одамлар уюшган жамиятни, улар барпо этган маън-й-руҳий муҳитни, сохта ақидалар, вайронкор ғоялар ва маънавий тажовузлар билан бузиш қийин. Уларни ўзлари ақл-идрок ва қалб амри билан танлаб олган ҳаётий мақсадларидан чалғитиб ҳам бўлмайди. Ҳозирги даврда М.т. йўналишида мам-т олдида турган муҳим вазифаларни бажариш, эл-юртга фидойи ва садоқатли, ҳақиқий ватанпарвар, чуқур билимли ва маънан баркамол шахсларни тарбиялаш бу борада хизмат қиладиган зиёли ва хизматчилар, ўқитувчилар ва мутахассислар, умуман, барча маъ-ят ва маърифат соҳаси ходимларининг муқаддас бурчига айланди.

«Маънавий тарбия» тушунчаси, унинг моҳияти, зарурлиги ва мақсади

Ҳар бир халқда, ҳар бир жамиятда ўзига хос маънавий тарбия тизими мавжуд. Чунки маънавий тарбия инсоннинг ўзлигини сақлашга, унинг ботиний оламини маърифий бойитишга хизмат қилади. Маънавий тарбия олиб бормаган миллат бугуни ва эртасини бой беришга маҳкумдир. Шу маънода, ўз ҳақ-хуқуқини танийдиган, кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда тасаввур этадиган эркин шахсни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш даркор муҳим аҳамият касб этади. Мана шу мезонларга асосан жамиятимизда тизимли маънавий тарбия олиб борилмоқда, баркамол авлод вояга етмоқда.

Бирон-бир жамиятнинг тараққиёти, келажаги, аввало, унинг маънавий пойдевори қанчалик мустаҳкамлиги билан белгиланади. Ҳар бир шахснинг, пировардида халқ ва миллатнинг *маънавий юксалиши* эса минг йиллар мобайнида шаклланган, сайқал топиб келган маънавий-ахлоқий қадриятларга содиқлик, миллий-маданий меросни эъзозлаш, муносабат, ўзликни англаш, инсоний комилликка интилиш, фан ва техниканинг замонавий ютуқларини эгаллаш орқали таъминланади. Мамлакат ва миллат тақдири билан боғлиқ жараёнларда фуқароларнинг чин эътиқоди, ҳушёрлик ва масъулияти, яхшини ёмондан, аслни соҳтадан фарқлай олиши маънавият даражасининг мезони сифатида майдонга чиқади.

Маънавият инсон қалбининг туб-тубидан балқиб чиқадиган энг тоза, нажиб туйғу, инсон ҳаётига маъно берадиган куч, уни шарафлайдиган сифатлар мажмуидир.

Маънавий тарбия деганда, инсон иродаси, маънавий олами, тафаккури ва дунёқарашининг замон талаблари даражасида шаклланишини тушунамиз. Бу борада истиқлол йилларида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Биринчидан, янгича таълим-тарбиянинг умумдавлат дастури ишлаб чиқилиб, у ҳаётга жорий этилмоқда. Иккинчидан, илдизлари қадим-қадимларга туташ шонли тарихимиз, бебаҳо маънавий-маданий меросимиз манбалари очилиб, улар халққа етказилмоқда. Учинчидан, қадимий шаҳарларимиз, обидалар билан бирга халқ руҳияти ҳам қайта тикланди, миллий қадриятлар янги ҳаёт топди. Тўртинчидан, мустақиллик йилларида ватанимиз қиёфаси тубдан ўзгарди, янги қурилишлар, обод кўчалар, саройлар, боғлар барпо этилди. Буларнинг ҳаммаси халқ ифтихори бўлиб, унинг қалби ва руҳини юксалтирум оқда, умид-орзуларига қанот бермоқда. Демак, маънавий тарбия учун барча шарт-шароит мавжуд.

Маънавий тарбия кенг кўламли, чуқур маъноли тушунчадир. Бунда адабиёт, санъат турлари, тарихий анъаналар, мумтоз фалсафа, халқ ижоди, авлодлар тажрибаси, яхши удумлар, одатларнинг биргаликдаги иштироки назарда тутилади. Албатта, умуминсоний қадриятлар ҳамма учун баробар. Ҳамма ерда ҳам инсон ахлоқи, унинг камолоти учун кураш давом этади. Бироқ, бунда қадимий анъаналарга содиқликни, миллий менталитетни, халқнинг ўзига хос хислатларини ҳисобга олиш зарур. Халқ ўзлигини сақламаса, энг улуғ ва энг азиз қадрият – мустақиллик хавф остида қолади. Шу маънода, «маънавий комиллик» тушунчаси «ватанпарварлик», «элсеварлик», «миллий ғуур» тушунчалари билан узвий алоқада олиб қаралиши керак. Бу яна шунинг учун ҳам муҳимки, жамиятимиз тараққий этиб борган сари маънавий тарбияни издан чиқаришга уринишлар бўлмоқда. Бу ҳолатлар, бизнинг фикримизча, қуйидаги кўринишларда намоён бўлмоқда:

1. Ёт ғояларни тарғиб қилиш. Космополитизм, нигилизм, экстремизм, терроризм ва шафқатсиз индивидуализм каби халқимизга ёт ғоялар турли воситалар билан тарғиб-ташвиқ қилинмоқда. Мисол учун, *космополитизм* ғоясини олайлик. Унга кўра, дунё халқлари миллат ёки этник таркибга эга бўлмасдан, умумий бир руҳда яшаши лозим эмиш.

Инсоннинг “умумий рух”да яшаши яхши. Бироқ, миллатни, демакки, ўзликни унугашга даъват ғоят манфур ниятдир. Чунки миллат бу – инсоннинг насл-насаби, ўзлиги ва маънавий дунёсини пок сақловчи бирлиkdir. Миллат сифатида яшаш маданиятли бўлишга олиб келади ва унинг умуминсоний қадриятлар ривожига салбий таъсири йўқ. Аксинча, миллат сифатида яшайдиган халқ ўзи ва ўзганинг қадрига етади. Бундан фарқли ўлароқ, космополитизм ғояси кишини ўзлигидан айриб, насл-насабсиз бир кишига айлантириб қўяди.

2. Менталитетга хос бўлмаган одатларни тарғиб қилиш. Кейинги вақтларда телевидение, радио ва интернет саҳифалари орқали халқимиз турмуш тарзига ёт бўлган турли одатлар тарғиб-ташвиқ қилинмоқда. Мисол учун, оила қуриш одатини олайлик. Эмишки, оила қуришда ёшлар обдон

бир-бирини синашлари, иложи бўлса, маълум муддат бирга яшашлари лозим эмиш. Бу фоҳишабозликнинг кўринишларидан бошқа нарса эмас.

Шунинг учун ҳам Ғарбда фоҳишабозлик авж олган. Мисол учун, “Гардиан” газетасининг эътироф этишича, Буюк Британияда фоҳишабозлик билан шуғулланувчи эркаклар йилига ўртacha 10.000 фунт стерлинг, аёллар 18.530 фунт стерлинг ишлашади. 30-40 ёшлардаги эркаклар эса йилига ўртacha 24.800 фунт стерлинг, аёллар эса 34.200 фунт стерлинг ишлашар экан (“Гардиан”, BBC Riggion. Com. 23.01.2006). Эътибор беринг, танасини сотиб бойлик орттириш ва буни маданият кўриниши деб хисоблаш Ғарб кишиси учун оддий ҳолдир. Ваҳолангки, бизда ёшларнинг бир-бирини синашига имкон берилади ва у одоб-ахлоқ доирасида кечади. Никоҳсиз қиз ва йигитнинг учрашиб юриши айб саналади.

3. Ёшлар дунёқарашини бузишга интилиш. Халқимизнинг нисбатан кўпчилигини ёшлар ташкил қиласди. Шу сабабли улар бизнинг олтин омилимиз хисобланади. Афсуски, баъзида Ғарб оламининг ёшларимиз дунёқарашини бузишга қаратилган хатти-ҳаракатини сезиб қоламиз. Ўз Ватанини ёмон кўрсатиш, ўтмишга нисбатан беписандлик руҳини қарор топтириш, давлат ва жамиятга нисбатан ишонсизлик уйғотиш — ёшлар дунёқарашини бузишга қаратилган ғоялардир. Бунинг акси ўлароқ, Ғарб ҳаёти худди жаннатдек кўктарга кўтариб мақталмоқда.

Бу омилларнинг барчаси жамиятимизда изчил маънавий тарбияни йўлга қўйиш заруратини келтириб чиқаради. Чунки истиқлол йилларига келиб, ўзбек кишиси бугун бошини баланд кўтариб, дунё бўйлаб ўзини намоён этмоқда. Миллий ғурур, ватанпарварлик туйғулари Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун кураш туйғулари билан қўшилиб, маънавиятимиз асосини белгиламоқда. Кўп минг йиллик тарихга эга маънавиятимизни тиклаш баробарида биз умумбашарий маънавий қадриятларни ҳам бажонидил қабул қиласми. Зоро, дунёда бирор халқ, бирор мамлакат ўз қобиғига ўралиб яшай олмайди. Ўзбек халқи миллий анъаналарига содик, айни пайтда, у дунёдаги илфор, ҳаётни гўзал қилувчи, инсонни юксалтирувчи ғояларни, илм-маърифатни ўзлаштириб келган. Биз қадимдан Юнонистон, Хиндистон, Эрон, Хитой, Россия билан илмий-маданий ҳамкорликда, алоқада бўлиб келганмиз. Ҳозир ҳам дунё илм-фани ютуқларини эгаллашга бўлган иштиёқ бизда тобора ортмоқда. Ёшларимиз тараққий этган мамлакатларга бориб ўқимоқдалар, Европа, Америка, Япония, Корея тадбиркорлари, ўқув юртлари билан узвий алоқа ўрнатилиши ижобий самара бермоқда. Жумладан, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришда ҳам биз ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянамиз. Эркинлик, инсон хуқуқини ҳимоя қилиш, эркин ва умумхалқ сайловларини ўтказиш, сўз эркинлигини таъминлаш, ҳокимиятлараро назорат ва жамоатчилик назорати каби тамойиллар бизда жорий этилганини жаҳон ҳамжамияти кўриб турибди.

Дарҳақиқат, бу жараёнлар Ўзбекистон тарихида муҳим воқеа, фуқаролик жамияти сари тараққий этиш ҳамда демократия тамойилларини мустаҳкамлашда дадил қадам бўлди. Кўриниб турибдики, бунда факат Ғарб

демократияси талаблари эмас, балки ўзимизнинг қадимий давлатчилик анъаналари ҳам ҳисобга олинган. Бошқача қилиб айтганда, Шарқ демократияси унсурлари ва энг асосийси, миллий-маънавий қадриятларимиздан ҳам фойдаланмоқдамиз.

Биз Ғарб турмуш тарзи, ахлоқини кўр-кўрона қабул қилолмаймиз. Бу бизнинг асрий анъаналаримизга ёт. Шу каби ҳаддан ташқари индивидуализмга берилиш, худбинлик, ўзибўларчилик, шахсий манфаат йўлида ҳеч нарсадан тап тортмай, босиб-янчиб кетиш каби истак-хоҳишилар халқимиз табиатига тўғри келмайди.

Демак, халқимизга хос бўлган шахсий қобилиятни жамоавий удумлар билан уйғунлаштириш, эл-юрт, маҳалла-кўй назаридан қолмаслик, дину диёнатдан ташқари чиқмаслик, ор-номус, ҳамият, мардлик, виждон амрига итоат этиш, адолатпарварлик, ҳақгўйлик сифатлари йўқолмаслиги керак. Ҳаё, андиша, лафз, омонатга хиёнат қилмаслик, ростгўйлик дини исломимизда ҳам, халқ тушунчасида ҳам мустаҳкам ўрин олиб келган. Улуғ мутафаккирларимиз бу ахлоқий сифатларни ўз асарларининг бош ғояси қилиб белгилаганлар. Шулар асосида Комил инсон ҳақидаги тушунча шаклланган. Яхши, эзгу ахлоқ ҳеч қачон қонунларнинг амал қилиши, бозор иқтисоди ривожига ёки ҳокимиятлар ишининг боришига тўсқинлик қилмайди. Аксинча, фозиллик, ақлу фаросат, покиза ахлоқ умумий тараққиётга ёрдам беради. Бу гапни айтаётганимиз бежиз эмас, албатта. Чунки, Ғарбдаги айрим “ўта либераллар” (чунончи, Сорос жамғармаси атрофида уюшганлар) миллий урф-одат, анъаналар демократияга зид келади, шунинг учун улардан иложи борича воз кечиш керак, деган қарашни тарғиб этмоқда. Уларнинг назарida, демократия бу — ҳамманинг Америка ёки Европа турмуш тарзи, анъаналарини қабул қилишидир. Бунинг учун Шарқ мамлакатлари ўз миллий қиёфаси, маънавий-ахлоқий қадриятларидан кечиши даркор. Яъни, ёппасига американлаштириш, христианлаштириш йўлидан бориш. Масалан, дейлик, фарзандлар вояга етгач, ота-она насиҳатларига қулоқ солиши, улар билан маслаҳатлашиши шарт эмас, ҳатто оиласда ҳам ҳар ким ўзи учун яшайди, эр-хотин бир-бирининг ишларига аралашмайди.

Зеро, Ғарб оламидан келаётган бундай вайронкор ғоялардан нафақат алоҳида одамлар, балки бутун миллатлар ҳаёти емирилади ва одамларимиз шундай ғояни олиб келиб сингдирганлар учун тайёр қуролга, “тараққий этган” қулга айланади. Афсуски, бундай ғоялар таъсирига берилувчилар ҳам орамизда йўқ эмас. Ҳолбуки, ота-боболаримиз буни қаттиқ қоралаганлар, инсонийликка зид ҳодиса деб қараганлар. Масалан, маънавиятимиз бобокалони ҳазрат Алишер Навоий ўз асарларида ҳалоллик, поклик, камтаринлик, ростгўйлик, ҳаё, вафо, ибо, андиша, тавозеъ, хушсуханлик каби ахлоқий сифатларни улуғлаб таъриф этган.

Мир Алишер Навоий “Маҳбуб ул қулуб” асарида юксак инсоний ахлоқнинг яхлит концепциясини баён этган. Улуғ мутафаккир кибру ҳаво, манманлик, худбинликни кескин рад этади, бунинг ўрнига хуштавозеълик, юксак дид, маърифатга, илмга ошуфталиқ, ватанпарварликни улуғлайди,

эҳсон, садоқат, ҳиммат, сахийликни инсон шарафи деб таърифлайди. Чунончи, “Аллоҳ сенга қандай яхшилик қилса, сен ҳам бошқаларга шундай яхшилик қил”, деган ҳадисни келтириб, бундай ёзади: “Инсоният боғининг дилписандроқ шажари эҳсондур ва одамийлик конининг аржумандроқ гавҳари ҳам эҳсондир”. Чунки исломда кенг тарғиб қилинган “эҳсон” тушунчаси эзгулик билан маънодошdir. Эзгуликка ошиқ қалб эгаси бўлиш улуғ баҳт. Навоий: “Эҳсон сифати саодати абад бил, фитна ва оғат яъжужи дафъига садд бил”. Бунинг маъноси қуидагича: “Эҳсонни абадий саодат сифати деб бил, уни фитна ва оғатлар яъжужи (оламни кемиришга тайёр очофат махлуклар тимсоли) йўлида девор деб ҳисобла”. Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида келтирилишича, кун чиқар томонда бутун вужуди нафсдан иборат бўлган, учраган жонзотларни кемириб, юртларни вайрон қиладиган махлуксифат инсонлар яшаркан, Искандар тоғ дарасини девор билан мустаҳкамлаб, аҳолини шу балодан халос этади. Карам, футувват, қаноат, ростгўйлик, адолат ҳақида улуғ Навоий ва бошқа мутафаккирларимиз баён этган фикрлар бугунги маънавий тарбия учун қимматли манбадир.

Айтинг-чи, биздаги бундай ранг-баранг, инсонпарвар қадриятлар яна қаерда бор? Андиша, мурувват, меҳр-оқибат, орият, ибо, ҳаё, мулозамат деган сўзларни бошқа бир тилга таржима қилиш мумкинми? Халқимизнинг инсонийлик фазилатларини ўзида намоён этадиган бундай атамаларни бир-бир санаб, юзлаб мисоллар келтириш мумкин.

Шу боис, биз миллий-маънавий камолот йўлидан бориб, маърифатли жамият қуриш билан улуғ мутафаккирларимиз орзу-армонларини ҳам амалга оширамиз ва дунё ҳамжамиятидан ўзига хос фазилатларга эга халқ сифатида ўрин оламиз.

Маърифат ва эркинлик ҳамма вақт маънодош тушунчалар бўлиб келган. Чунки, эркинлик туйғуси кишини илм-маърифат дунёсига етаклайди ва айни вақтда киши қанчалик маърифатли бўлса, ўзини шунча эркин ҳис қиласди.

Эркинлик — ўзбошимчалик, худбинлик эмас. Эркинлик — миллат ва ватан олдидаги бурч билан, масъулият билан боғлансангина чин маъно касб этади. Эркинлик, аввало, мустақиллиқдир, ватан мустақиллигидир. Ватан ва халқ тақдирига куйинмаган одам эркин эмас, балки дарбадар, бефарқ, бетаъсир, руҳий ҳаётдан, нажиб инсоний туйғулардан маҳрум кишидир. Инсон кўнгли билан инсон, унинг маънавий камолоти ҳам айнан кўнгил тозалиги, эзгуликка майли, ижодкорлиги, садоқату вафоси билан белгиланади. Навоий: “Кўнгил бадан мулкининг подшоҳидур, анга сиҳҳат – бунга ҳам сиҳҳат, анга табоҳ – бунга ҳам табоҳ. Бас, улки кўнгил мулкининг соҳибжоҳи бўлғай – шоҳлар шоҳи бўлғай”. Яъни, инсон вужудини безайдиган, уни маънавий юксакликка олиб чиқадиган нарса — бу кўнгилдир. Кўнгил инсонни Илоҳ билан боғлайди, санъатга, адабиётга ошно этади, завқ-шавқимиз, илҳом-ижодимиз, ирода ва орзуларимизни ўзида мужассам этади. Инсон кўнгли қанча тоза бўлса, у шунча ўз элига қайишади, ғамхўр ва меҳрибон бўлади, тубанлашиб кетмайди. Ҳақиқий гўзаллик билан фахшу ҳирс лаззатини ажратиш, нопокликларга нафрат ҳам шу заминда шаклланади. Бизнинг дидимиз, завқимиз ўз тарихимиз, аждодларимизнинг

ирсий анъаналари, улут идеаллари билан боғлиқ. Бундан чиқиб кетсак, ўзлигимизни ҳам йўқотамиз.

Яна Навоийга мурожаат қиласиз: “Ҳар кишиким бир қавмнинг сулук ва оҳангин тузар, тадрижи била ҳамул қавмнинг рангин тутар, ҳар кимгаким пайравлиқ этар, ул мутобаат хосиятидни ул етган ерга этар”.

Яъни: тақлидчилик, қўр-қўронга эргашиш одамни аста-секин ўзлигини унтишга олиб келади ва бошқа қавм (миллат) одатларию мафкурасига тобеъ қилиб қўяди, дейди Навоий. Бу нафқат XV аср кишиларини, балки бизни ҳам огоҳлантирумокда. Ўз имоннинг, ўз маънавиятингдан воз кечма, воз кечсанг, ҳароб бўласан, дейди бобокалонимиз.

Шундай қилиб, маънавий тарбия, маънавият, одоб-ахлоқ, маърифат халқимиз юксалиши, ўзига хос давлатчилик анъаналарига эга бўлишининг бош омили, ёт ғоялар, заарли таҳдидларни бартараф этишда асосий кучдир.